



*"ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИГА ОИД ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУДАГИ ИЛМИЙ -  
НАЗАРИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ*

8 ИЮНЬ | 2020

**МАТЕРИАЛЛАР  
ТЎПЛАМИ**





**“ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА  
ОИД ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР”**

*мавзудаги илмий-назарий онлайн конференция материаллари тўплами*

*Наманган-2020 йил, 8-июнь.*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамкорликда ўтказилган “Ўзбекистонда узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига оид илмий – амалий тадқиқотлар” мавзусидаги онлайн конференцияда илм-фаннинг энг долзарб илмий муаммолари, техник ва услубий ишланмаларни акс эттиришга қаратилган илмий-назарий масалалар таҳлил этилган.

“Ўзбекистонда узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига оид илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги илмий-назарий онлайн конференция 2020 йил 8 июн ZOOM онлайн платформаси орқали ўтказилган.

Конференция ташкилотчиси: **Наманган муҳандислик қурилиш институти, “Ижтимоий фанлар” кафедраси**

Конференция ҳамкор ташкилотлари:

- **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий унверситети "Этика ва эстетика" кафедраси,**
- **Фарғона политехника институти “Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари” кафедраси,**
- **Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари унверситети “Инглиз тили амалий фанлар” кафедраси,**
- **Тошкент Давлат Техника Унверситети “Чет тиллар” кафедраси,**
- **Тошкент Давлат Транспорт Унверситети “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси.**

**Онлайн конференция шўъбалари:**

1. Умумий ўрта таълим, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар;
2. Таълим муассасаларида инновацион таълим технологиялари, АКТдан фойдаланиш ва масофавий ўқитишни ташкил этишнинг ютуқ ва камчиликлари;
3. Олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини ривожлантириш омиллари ҳамда ёшлар тарбияси ва маданиятини такомиллаштиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни;
4. Ёш олимлар илмий тадқиқотлари(талабалар, магистрантлар ва докторантлар учун)

*Эслатма: Конференция тўпламига топширилган мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф жавобгар*

**МУНДАРИЖА**

<b>Naimova A., Ahadova M.,</b> THE USAGE OF THE TOTAL PHYSICAL RESPONSE IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE	<b>328</b>
<b>Fayzullayeva F.Y.,</b> SHARQ MUTAFAKKIRLARINING TA'LIM-TARBIYA XUSUSIDAGI ILMIIY QARASHLARI	<b>330</b>
<b>Bekmuratova Sh.A.,</b> CLASSIFICATION OF COULD WORDS IN GERMAN AND UZBEK	<b>332</b>
<b>Doliyev G'.A., Mamajonov S.B., Abdulhayev A., Isxakova G.A.,</b> TITAN (IY) OKSIDI YUZALARIDA SUV BUG'INING ADSORBTSIYALANISHI	<b>335</b>
<b>Topvoldiyeva Z.R.,</b> BOLALARNI TABIAT BILAN TANISHTIRISH JARAYONIDA OG'ZAKI METODLARDAN FOYDALANISH	<b>340</b>
<b>Абдуллаева Р.Ю.,</b> БАДИИЙ АСАРНИНГ АНТРОПОМИНАНТ ТАҲЛИЛИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	<b>341</b>
<b>Абдуллажанова Н.Т.,</b> БЕРУНИЙ ИЖОДИДА ИЛМ-МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИ	<b>343</b>
<b>Xudayberdiyeva D., Ashurboyev J.,</b> SPORT XIZMATLARI MARKETINGI	<b>344</b>
<b>ОстонаКулов А.А., Тўлкинбоев А.А.,</b> БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ(МҲХС)ГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ	<b>348</b>
<b>Рейимбаева К.,</b> ВЗГЛЯДЫ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ НА ЛИТЕРАТУРНУЮ КРИТИКУ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ	<b>350</b>
<b>Тохиров Ж.,</b> ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ	<b>352</b>
<b>Журакулова Д. З.,</b> ЭМОЦИОНАЛЬНЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ – КАК ОДНО ИЗ ФАКТОРОВ РАЗВИТИЯ ЩЕДРОСТИ	<b>355</b>
<b>Қудайбергенова К.,</b> ИНТЕРНЕТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	<b>357</b>
<b>Евкачев М.М.,</b> РОЛЬ И МЕСТО ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В СТАНОВЛЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ	<b>358</b>
<b>Тургунов Н.А., Беркинов Э.Х., Мамажонова Д.Х., Рахмонов А.Ш.,</b> КИНЕТИКА РОСТА СФЕРИЧЕСКИХ МИКРОВКЛЮЧЕНИЙ ПРИМЕСНЫХ АТОМОВ НИКЕЛЯ И КОБАЛЬТА В КРЕМНИИ	<b>360</b>
<b>Оразалиева Г.,</b> ЗНАЧЕНИЕ ВЫРАЗИТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ НА РАДИОПЕРЕДАЧАХ	<b>362</b>
<b>Хамидов О.Х., Ёкубжонова Х.</b> ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ЎРМОН УЙЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ	<b>363</b>
<b>Ўринбоева М.,</b> ШАРҚ МУТАФАККИРИ ЮСУФ ХОС-ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА АҲЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ	<b>364</b>
<b>Евкачев Маъруф,</b> ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИ ВА АҲАМИЯТИ	<b>366</b>
<b>Topvoldiyeva F.R.,</b> NUTQNING TOVUSH MADANIYATINI TARBIYALASH. MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNI TOVUSHLARNI TO'G'RI TALAFFUZ QILISHGA O'RGATISH	<b>367</b>
<b>Жўраева Ж.,</b> ШАҲС ШАКЛЛАНИШИДА АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ	<b>369</b>

прогнозирования, литературного диалога.

**Список использованной литературы:**

1. Жаримбетов К. Оразымбетов К. Если проверить, может и сломиться... (на каракалпакском языке) // журнал «Амударья», 2007, №4, С. 141-152.
2. Отемуратов Х. Ты не угаснешь, звезда поэзии! (на каракалпакском языке), газета «Еркин Қарақалпақстан», 20-январь, 1999.
3. Пламенное слово с пламенного сердца. (Беседа Г. Матякубовой с проф. К.Жаримбетовым), (на каракалпакском языке) // журнал «Каракалпакская литература», ноябрь-декабрь, 2011, №11-12.
4. Шамуратова З.А. Каракалпакская литературная цензура. Вопросы появления и развития (на каракалпакском языке). Нукус, «Каракалпакстан» 1994, с. 124-125

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ**

*Жавлон Тохиров, таянч докторант,  
Бухоро давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақола давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим хизматларининг илгор хориж тажрибаларига бағишланган. Давлат ва хусусий шериклик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълим хизматлари сифатини ошириш борасидаги хориж тажрибалари умумлаштирилган.

**Калит сўзлар:** Давлат ва хусусий шериклик, давлат сектори, хусусий сектор, таълим, таълим сифати, BRICS, МДХ, таълим хизмати.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти кўпчилик мамлакатлар учун хос бўлиб, у мулкчиликнинг турли шаклларида ташкил топган иқтисодий тизим сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини юзага чиқармоқда. Бироқ, юқори самарадорликка эришиш учун кучларни бирлаштириш ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш бугунги кун талабига айланмоқда. Айниқса, замонавий бозор иқтисодиётида давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) кўпчилик мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган ва юқори ижобий натижаларга эришаётган механизм ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, айрим мамлакатлар гуруҳлари ДХШга йўналтирилган инвестицияларнинг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолмоқда (1-жадвал).

XXI асрнинг бошига келиб иқтисодий адабиётларга ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш сурътларига, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг инглизча талаффуздаги (Brazil, Russia, India, China) номларининг бош харфларидан ташкил топган BRIC мамлакатлари гуруҳи пайдо бўлди. BRIC атамасини 2001-йилда “Goldman Sachs” иқтисодчиси Джим Ўнил муомалага киритган. 2011-йил январьдан бу мамлакатлар гуруҳига Жанубий Африка Республикаси (South Africa) ҳам киритилганлиги туфайли эндиликда BRICS деб аталмоқда. [1, 158-6]

1-жадвал

**BRICS мамлакатларида ДХШга йўналтирилган умумий инвестициялар**

№	Давлатлар	Умумий лойиҳалар сони (донада)	Умумий инвестициялар ҳажми (млн.долл)	Амалдаги лойиҳалар сони (донада)	Амалдаги инвестициялар ҳажми (млн.долл)
1.	Бразилия	951	361,224	917	356,763
2.	Россия Федерацияси	91	36,924	87	36,886
3.	Ҳиндистон	1,031	252,897	989	238,571
4.	Хитой	1,655	193,701	1,614	188,681
5.	Жанубий Африка Республикаси	110	25,566	102	25,566

**Манба:** [www.pppknowledgelab.org](http://www.pppknowledgelab.org) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Мутахассислар томонидан BRICS жаҳоннинг йирик иқтисодий марказига айланиши мумкинлиги

ва 2050-йилга бориб жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 40-45%ни ишлаб чиқарши башорат қилинмоқда. Иқтисодий адабиётларда BRICS мамлакатлари охириги ўн йилликда эришилган барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари бу мамлакатларга катта миқдорда хорижий инвестициялар кириб келишини таъминлади деб қайд этилган.

Мамлакатларининг яна бир йирик гуруҳи Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг айримлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ривожланаётган мамлакатларнинг юқори гуруҳига кирган бўлса, баъзилари ривожланган мамлакатларнинг қуйи гуруҳига киради. Хусусан, қуйида МДХ мамлакатларида 1990 йилдан бугунги кунга қадар ДХШга йўналтирилган инвестициялар ҳолати кўришимиз мумкин (2-жадвал).


**2-жадвал**

**МДХ мамлакатларида ДХШга йўналтирилган умумий инвестициялар**

№	Давлатлар	Умумий лойиҳалар сони (донада)	Умумий инвестициялар ҳажми (млн.долл)	Амалдаги лойиҳалар сони (донада)	Амалдаги инвестициялар ҳажми (млн.долл)
1.	Арманистон	11	1,933	10	1,933
2.	Беларусия	2	511	2	511
3.	Молдова	1	98	1	98
4.	Озарбайжон	4	375	-	-
5.	Қирғизистон	2	-	2	-
6.	Қозоғистон	15	1,994	13	1,394
7.	Россия Федерацияси	91	36,924	87	36,886
8.	Тожикистон	3	956	3	956
9.	Туркменистон	-	-	-	-
10.	Ўзбекистон	3	332	1	12
11.	Украина	42	3,857	41	3,849

**Манба:** [www.pppknowledgelab.org](http://www.pppknowledgelab.org) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таълим соҳасида ДХШнинг таъминланадиган тизимлари мамлакатнинг манфаатларига қараб мўлжал олишни назарда тутати. Ушбу контсептуал тизим мамлакатнинг таълим соҳасида ДХШ билан боғлиқлик даражасини аниқлашга ёрдам беради (1-расм).



**1-расм. Таълим соҳасида ДХШнинг узлуксизлиги**

*Манба:* Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, u Harry Anthony Patrinos, *The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.16*

Шуни таъкидлаш керакки, ДХШнинг қуйи босқичида давлат таълим соҳасидаги тегишли хизматлар учун тўлиқ жавобгар бўлиб, тартибга солиш, молиялаштириш ва таъминотни ўз зиммасига олади. Бошланғич даврда эса хусусий таълимнинг марказлаштирилган равишда фаолият кўрсатишига имкон берадиган мамлакатлар молиялаштиришни давлат бюджетидан амалга оширмайдилар. ДХШнинг ривожланаётган даврида эса хусусий таълимга субсидиялар ажратиш давлат зиммасида



бўлади. Турғун ҳолатдаги ДХШ жараёнида шартнома асосида хусусий таълимнинг бир қисмини таъминлаш ишлари олиб борилади. ДХШга боғлиқ бўлган мамлакатларда таълимга тегишли хизматларни кўрсатиш учун давлат ва хусусий секторлар мустақил равишда жавобгар бўлади. Истеъмолчилар юқори ДХШ шароитида давлат ва хусусий таълим хизматларини танлашлари мумкин бўлади. Бироқ, уларнинг танловларига тўлов қобилятлари ва географик жойлашув таъсир қилиши мумкин.

Молиялаштириш манбасига кўра	Ижрочилар		
		Хусусий	Давлат
	<b>Хусусий</b>	Хусусий мактаблар Хусусий университетлар Уй мактаблари Репетиторлик курслари	Фойдаланувчи тўловлари Таълим кредитлари
<b>Давлат</b>	Кафиллик Шартномавий мактаблар Одатий мактаблар Махсус	Давлат мактаблари Давлат университетлари	

**2-расм. ДХШ хизматларининг молиялаштириш манбалари ва ижрочилари**

*Манба: Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, u Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.3*

ДХШ хизматларининг молиялаштириш манбалари ва ижрочилари сифатида хусусий сектор ҳамда давлат секторимфоолияти ажратилиб таснифланади. Таълим соҳасидаги давлат ДХШнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай келишув ҳам ижтимоий характерга эга, демак бундай лойиҳани амалга оширишда истеъмолчига ижтимоий хизматлар кўрсатилишига ҳамда қонуний ва меъёрий жиҳатдан асосланган бўлиши шарт ва зарур.

Шундай қилиб таълим соҳасида ДХШ қуйидаги вазифаларни ечади:

- ✓ ДХШ томонлари ҳақ ва ҳуқуқларининг қонуний ва меъёрий мустаҳкамлайди;
- ✓ Бизнесга бериладиган имтиёзлар кўлами кенгаяди;
- ✓ Давлат билан ҳамкорликнинг кафолатлари қонуний мустаҳкамлайди;
- ✓ Давлат билан ҳамкорлик доирасида мажбуриятларни бажармаслиги ҳолатларида санкциялар ўрнатади;

✓ Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ҳисобидан таълимнинг мулкӣ ва молиявий имкониятлари янада кенгаяди;

✓ Таълим муассасасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобидан унинг рақобатбардошлиги ошиб боради;

✓ Таълим жараёнининг инновацион инфратузилмаси яратилади.

✓ ДХШнинг биргаликдаги ҳаракатида сенергетик самарадорлик ошади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган вазифаларнинг амалга ошиши мамлакатда таълим сифатини оширилишига салмоқли туртки бўлиб хизмат қилади. Таълим тизимидаги давлат билан ҳамкорлик ёки давлат-хусусий ҳамкорлиги маблағларнинг самарали сарф қилинишини оширади, давлат учун давлат хизматчилари эга бўлмаган махсус кўникмалардан фойдаланишга имкон беради, таълим жараёнига инновацион ғояларни тадбиқ этишга имкон яратади, замон ва бозор талабларидан келиб чиқиб қўйилаётган янги талабларни қондиради.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X.. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. – Toshkent.: Baktria press, 2015. – 158 b.

2. Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, u Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.3-16

3. Модель государственно-частного партнерства в системе начального и среднего профессионального обучения для Санкт-Петербурга и Ленинградской области. // СПб, 2013 г. - С.7.

4. Khurramov O. K. Concept of teaching, actions and technology //Современные тенденции развития аграрного комплекса. – 2016. – С. 1728-1732.

5. Tokhirov J. R. Concept of teaching technologies and techniques //Современные тенденции развития аграрного комплекса. – 2016. – С. 1743-1747.